

**ЎРТА ОСИЁ ТОПОНОМЛАРДА КЕНГ ҚАМРОВЛИ  
ТАДҚИҚОТЛАРНИ ЎЗИДА ЖАЛБ ЭТГАН БАҚТРИЯГА ОИД  
ТОПОНИМ ВА УНИНГ ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛИ.**

Термиз давлат унверситети  
жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси  
**Жумаев Мустафо Эркин ўгли**  
(+99 890 746 86 66)

**Аннотатсия:** Қадимги манбаларда айрим жой номларнинг маъносини изоҳлашга ҳаракат қилиб кўрилган. Нега шундай ном берилган, у қандай тушунчани беради, қайси тилдан олинган ва ҳоказо. Шу тариқа, жой номларини ўрганадиган алоҳида фан вужудга келган. У юнонча топонимика деб аталади. Топонимика фанининг мақсади инсоннинг табиат ва жамият билан боғлиқ географик атама ва номларини ўрганиш, уларнинг ўзига хос белгиларини аниқлаш, атама ва номларнинг вужудга келиши, моҳиятини таҳлил қилишдан иборат.

**Калит сўзлар:** топонимика, Бақтрия, Авесто, зардуштийлик, Бақтра, Ктесий, Квин Курсий Руф.

Жаҳон тарихшунослига кўплаб тадқиқотларни ва олимларни ўзига жалб этган Бақтрия номи ва унинг топонимик жиҳатидан ўрганишга тааллуқли кўплаб асарлар ярттилди. Энг муҳими, Бақтрия – Ўрта Осиё жанубидаги қадимги вилоят номи. Илмий тадқиқотчи Икром Умаров Ўзбекистон ва Тожикистоннинг жануби, Афғонистоннинг шимолий вилоятларини ўз ичига олган *Бақтрия* давлат ҳақидаги тарихий манбаларни қўшимча ўрганиш ўз фикр мулоҳазаларни тақдим этди. Энг қадимги ёзма манба – Авестода Ахурамазда томонидан яратилган 16 та мамлакатдан тўртинчи бўлиб, туғлари баланд кўтарилган гўзал мамлакат *Бахди* (авесточа *Vāxδīm srīrām arəδβō. drafsqm*) яратилганлиги айтилади. Беҳистон битикларида бу ўлка *Бактрии*, юнон-рим манбаларида *Бактриана* Βακτριανή номи билан тилга олинади.

Юнон тарихчиси Ктесийнинг хабарига кўра, Бақтрия шаҳарлари орасида энг йириги *Бақтра* (Балх) бўлган<sup>1</sup>. Александр Борнсинг ёзишича, Балх шаҳри қадимги Эрон шоҳлари сулоласининг афсонавий асосчиси Каюмарс томонидан бино қилинган<sup>2</sup>.

Квинт Курций Руфнинг айтишича, Бақтриянинг пойтахти *Бактра* бўлиб, Парапамис тоғлари этагида жойлашган. Унинг деворлари тагидан Бақтра дарёси

<sup>1</sup> Древние авторы о Средней Азии (VI в. до н. э. — III в. н. э.). Ташкент, 1940, стр. 26-30.

<sup>2</sup> Путешествие в Бухару Александра Борнса. Часть 3. Москва, 1849, стр. 341.

оқиб ўтади. Мазкур дарё шаҳар ва вилоятга ном берган<sup>3</sup>. Арриан эса Бактрадан ташқари *Зариасна* деган шаҳар номини ҳам тилга олади. У Александр Македонскийнинг қароргоҳи бўлган<sup>4</sup>. Юнон географи Страбон бу масалага янада аниқлик киритади. Унинг ёзишича, шаҳар яна *Зариасна* номи билан ҳам аталиб, унинг ёнидан *Бактра* дарёси оқиб ўтади<sup>5</sup>. Милоддан аввалги 128 йилда Бактрияда бўлган хитой сайёҳи Чжан Цянь бу ўлкани *Дася*, пойтахтини эса *Ланьши* деб атади<sup>6</sup>.

Милодий IV асрдан бошлаб *Бактрия* номи тарихий манбаларда деярли учрамайдиган бўлди. Унинг ўрнида Тохаристон номи қўлланила бошланди. Шундай бўлса-да, бу юрт маҳаллий аҳоли томонидан *Бахтарзамин* (Бохторзамин, яъни «Бахтар ери, юрти») деб аталган. Мазкур ном «Темур тузуклари»да ҳам қайд этилади<sup>7</sup>.

Илк ўрта асрлардан бошлаб манбаларда Бактрия пойтахти сифатида *Балх* ёки *Бахл* шаҳри тилга олинади. Арман тарихчиси Фавстос Бузанд, кушон-форс урушлари бошланган вақтда аршакийлар сулоласидан бўлган кушон шоҳи Балх шаҳрида ўтирганлигини қайд этади (V, глава 7). Милодий I минг йиллик ўрталарида яшаган ҳинд муаллифи Панини Балх шаҳрини *Бахлика* шаклида тилга олади. Яна бу шаҳар *Бахл Аравотин*, ёки паҳлавийча *Бахли Бамик – шарқий Балх* номлари билан ҳам аталган. Византия тарихчиси Себеос бу шаҳарни *Бахл*, мамлакатни эса *Шакастон* деб қайд қилади<sup>8</sup>.

Табарийнинг таъкидлашича, ўтмишда шаҳарнинг *Бами* деган номи ҳам бўлган. Эндиликда бу ном билан Мозори Шарифнинг ғарбидаги унча катта бўлмаган шаҳарча аталмоқда. Ш.Камолиддиннинг фикрича, Балх шаҳри эфталлийлар ёки хионийлар даврида *Бами* номи билан аталган бўлиши мумкин. Мўғуллар истилосига қадар Балх Ўрта Осиёнинг энг йирик шаҳарларидан бири бўлган. Чингизхон истилосидан кейин инқирозга учрайди. Шундай бўлса-да, шаҳар яна ўзини тиклаб олади.

XIV-XIX асрларда Балх шаҳри йирик иқтисодий, сиёсий, маданий ва маъмурий марказ бўлган. XIX асрда ўзаро урушларнинг авж олиши ва афғон истилоси оқибатида шаҳар инқирозга учрайди. Унинг яқинида янги шаҳар – *Вазиробод* барпо этилади<sup>9</sup>. Эндиликда Балх номи билан унча катта бўлмаган қишлоқ аталмоқда. Балхдан 20 км жануби-шарқда Мозори-Шариф шаҳри қад кўтарди.

<sup>3</sup> Руф К.К. История Александра Македонского. Москва, 1993, книга 7, 4, 31.

<sup>4</sup> Арриан. Поход Александра. Москва, 1993, книга 3, 29, 1; книга 4, 16, 5-6.

<sup>5</sup> Страбон. География в 17 книгах. Москва, 1964, книга 11, 11, 2.

<sup>6</sup> Бичурин И. Собрание сведений, том II, стр. 152.

<sup>7</sup> Темур тузуклари. Тошкент, 1991, 24-бет.

<sup>8</sup> История императора Иракла. Отдел 1, XIII.

<sup>9</sup> Ҳасанов Х. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. Тошкент, 1965, 60-бет.

Манбаларда *Балх* ва *Бақтрия* номлари этимологияси ҳақида аниқ бир фикр келтирилмаган. Сабаби, уларни эроний тиллар асосида шарҳлашнинг иложи бўлмаган. Бизнингча, ушбу номларни қадимги туркий тиллар негизида изоҳлаш мақсадга мувофиқдир. Негаки, Бақтрия-Тоҳаристон энг қадимги туркий халқлар қўним топган макон бўлиб, туркий тиллар негизида талқин этилса, тўғрироқ бўлар эди.

Даставвал, Авестода тилга олинган *бахди* сўзини кўриб чиксак. Қадимги туркий тилларда *bögü* – «донишманд», «доно»: *bögü elig küçlüg jaruq täñri siz* – «Тангри, сен доно, хукмдор, кучли, ёруғсан»<sup>10</sup>; ёкут тилида *boɣda* – «муқаддас, илоҳий, ҳурматга сазовор»<sup>11</sup>; мўғул тилида *богд* – «муқаддас», «илоҳий»<sup>12</sup>; бурятча *богдо* – «муқаддас», «олий»: *монголоу богдо лама* – «мўғул богдо ламаси»<sup>13</sup> каби тушунчаларни англатади. Унинг қадимги маънолари: «илоҳийлик, донолик, муқаддаслик, юксаклик». Авестода ҳам Бақтрия юрти деярли муқаддаслаштирилиб «туғлари баланд кўтарилган гўзал, бахтли мамлакат» тарзида ёзилади. Демак, *бахди* номи Авестога энг қадимги маъноси билан бирга кирган ва у «бахтли», «гўзал», «муқаддас» каби тушунчаларни англатган.

*Бактра* топонимиға тўхталсак. Топоним эроний тилларда *Бахтар* номи билан аталади. *Бахтар* сўзини қадимги туркийча *büktir* сўзи билан боғлаш мумкин. *büktir* – «баландлик», «тоғнинг қояли қисми»: *aya büktür üzä jordim* – мен баландликка кўтарилдим<sup>14</sup>. Унинг асосида қадимги туркийча *bük* – «эгилмоқ, букилмоқ» сўзи ётади. Бундан ташқари, қадимги туркийча *bök* – «тўсиқ», «девор» тушунчасини беради<sup>15</sup>. Бундан ташқари, қадимги туркий тилда *бақу* – «тепа, баландлик» дегани<sup>16</sup>. Дарҳақиқат, қадимги Бактра шаҳри Балхоб дарёсининг дарадан чиқиш қисмида, баландлик устида вужудга келган бўлиб, атрофи паст-баланд, эгри-бугри, қояли ерлардан иборат эди. Шу сабаб бу ер *büktir* (*буктур*), яъни «баландлик», «қояли тепалик», «баландликда жойлашган шаҳар» деб ном олган. Вақти келиб, бу сўз эроний тилларга ўтиб, *Бахтар-замин* деб аталадиган бўлди. *Бахтар* номи юнон-рим муаллифлари томонидан *Бақтрия* ёки *Бактриана* номлари билан қайд этиладиган бўлди.

Бақтранинг юнон-рим тарихчилари томонидан тилга олинган иккинчи номи *Зариаспадир*. Арриан *Бактра* билан *Зариаспани* алоҳида шаҳар сифатида қайд этади. Таъкидлаш жоизки, Бактра шаҳри қадимда зардуштийликнинг маркази ва

<sup>10</sup> Древнетюркский словарь. Ленинград, 1969, стр. 116.

<sup>11</sup> Бетлингк О.Н. О языке якутов. Новосибирск, 1989, стр. 594.

<sup>12</sup> Дамдинсүрен Ц., Лувсандэндэв А. Орос-монгол толь. Улан-Батор, 1982, стр. 636.

<sup>13</sup> Бурятско-русский словарь. Москва, 1973, стр. 96.

<sup>14</sup> Древнетюркский словарь, стр. 132.

<sup>15</sup> Древнетюркский словарь, стр. 117.

<sup>16</sup> Кошгарий Махмуд. III жилд, 246-бет.

Зардуштнинг ватани ҳисобланган. Аҳмонийлар даврида шаҳар атрофи ёки унинг бир қисмида зардуштийликдаги муқаддас олов ибодатхонаси – *Азари Асп* жойлашган бўлиши мумкин. Ибодатхона асосида юнонча *зариаспа* сўзи келиб чиққанлиги ҳақиқатга яқинроқдир.

Бактранинг илк ўрта асрлардаги тилга олинган номи Балхдир. Бу сўз қадимги туркийча *baliq, baluq* – «шаҳар» сўзи билан алоқадордир. Қадимги туркий битикларда *ertmiş ödün bir uluу baliq bar erti* – «олдинги замонларда бир катта шаҳар бор эди», дейилади<sup>17</sup>.

Маҳмуд Кошғарийнинг изоҳлашича, «*Балиқ* – жоҳилия давридаги турклар ва уйғурлар тилида шаҳар. Уйғурларнинг энг катта шаҳарларига *Бэш балиқ* дейилиши шундандир. *Бэш балиқ* – «беш шаҳар» демакдир»<sup>18</sup>.

Э.Севортяннинг маълумотига кўра, қадимги туркча *балық / baliq*, сарик уйғурлар тилида *палуқ/paliq, палық / paliq*, шарқий туркий тилларда *balyk, balyq*, бошқа туркий тилларда: *балыг / baliу, balik, baluq*: 1. «Девор» (сарик уйғурлар тилида хом ғиштдан қилинган девор), «девор билан ўралган» (шу сўздан шаҳар ва жой номларининг ўзак қисми бошланган), «девор билан ўралган шаҳар»; 2. «қўрғон»; 3. «ихота» маъноларини беради<sup>19</sup>.

*Балиқ* сўзи қадимги туркий тилларга хос бўлиб, бугунги кунда фақат сарик уйғурлар тилидагина сақланган. Мўғул тилларида эса бу сўз анча кенг тарқалган. Масалан, ҳозирги мўғул тилидаги *балгас* – «шаҳар»<sup>20</sup>, бурятча *балгаан* – чайла, *балгааһа(н)* – «оғилхона, кўра»<sup>21</sup>, қалмоқ тилида *balуad, balyasu(n)* – «қишлоқ» ёки «шаҳар», «хароба», «тош уй», «шаҳар қурилиши»<sup>22</sup> деган маъноларни англатади. Энг қадимги туркий тилларга хос хусусиятларни ўзида сақлаб қолган ёкут тилидаги *балаган* сўзи «ўтов, кулба, қапа, қишки ва ёзги ўтов, турар жой» каби тушунчаларини беради<sup>23</sup>. Бу сўз ёкут ва мўғул тилларидан тунгус-манжур тилларига ҳам ўзлашган. Эвенк тилида *балагамийа* – «эски бино», эвенк тилининг баргузин шеvasида *балгаһун* – «ёзлик тураржой», манжур тилида *фалга* – «қишлоқ» демакдир<sup>24</sup>.

Н.Н.Поппе турк-мўғул тилларидаги «шаҳар» сўзининг куйидаги боғлиқлигини кўрсатади: ўрта мўғул тилидаги *balaqasun* - «шаҳар», мўғулча *balgasun* < *balaka-sun* айнан шу маънода = қадимги туркийча *baliq* < *balq* < *balaqa* - «шаҳар». В.Котвич туркий тиллардаги *baliу* ва мўғулча *balуasun* сўзларининг

<sup>17</sup> Древнетюркский словарь, стр. 80-81.

<sup>18</sup> Маҳмуд Кошғарий. 1 жилд, Тошкент, 1960, 360-бет.

<sup>19</sup> Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. Москва, 1978, стр. 59.

<sup>20</sup> Монгольско-русский словарь. Москва, 1957, стр. 60.

<sup>21</sup> Бурятско-русский словарь, стр. 83.

<sup>22</sup> Севортян Э.В., 1978, стр. 59.

<sup>23</sup> Бетлингк О.Н., 1989, стр. 589.

<sup>24</sup> Константинова В.Д. Тунгусо-маньчурская лексика, связанных с жилищем // Очерки сравнительной лексикологии алтайских языков. Ленинград, 1972, стр. 255.

ўзагида *balı* - «шаҳар» сўзи ётганлигини кўрсатади<sup>25</sup>. Т. Нафасов Балх шаҳри номи қадимги туркийча *балиқ* сўзидан олинган, деб ҳисоблайди<sup>26</sup>.

Тадқиқотчилар томонидан *балиқ* сўзининг *бал* – «лой» сўзи билан алоқадорлиги ҳақида фикр билдирилади. М.Кошғарийнинг ёзишича, «*Балиқ* – лой. Арғу ва баъзи ўғузлар сўзи»<sup>27</sup>. Қадимги туркий тилда *balıqlan* – «лойқаланмоқ, ифлосланмоқ, балчиқланмоқ» дегани<sup>28</sup>. *Балчиқ* сўзи ўзагида ҳам *бал* ётганлигини кўриш мумкин. Г.Дёрфер «шаҳар» маъноси шаклланишининг куйидаги схемасини кўрсатади: «лой»>«лой девор»>«лой девор билан ўралган жой» = «шаҳар». «Шаҳар» ва «лой» маъноларининг алоқасини турк олими О.Н.Туна ҳам тан олади.

*Балиқ* сўзининг ўзагида *бал* – «лой» сўзи ётади. Г.Дёрфер таъкидлаганидек, қадимги шаҳарлар лойдан, пахсадан кўтарилганлиги сабабли, қадимги туркийлар уни *бал* сўзи билан атаганлар. Кейинроқ унга *-иқ*, *-уқ* қўшимчалари қўшилиб, *балиқ* шаклида талаффуз этиладиган бўлди. *Балх* – «шаҳар», аниқроғи «лойдан қурилган шаҳар» деган маънони англатади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Турсунов С., Қобилов Э., Пардаев Т., Муртазоев Б. Сурхондарё тарихи. Тошкент, 2004
2. Гумилев Л.Н. Эфталиты и их соседи в IV веке. «Вестник древней истории». Москва, 1959
3. Дальварзинтепе. Кушанский город на юге Узбекистана. Ташкент
4. Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. Тошкент, 1968
5. Логофет Д.Н. В горах и на равнинах Бухары. СПб,
6. Наршахий. Бухоро тарихи // «Мерос» туркуми, Тошкент, 1990

<sup>25</sup> Севортян Э.В., 1978, стр. 59.

<sup>26</sup> Нафасов Т. Қишлоғингиз нега шундай аталган? Тошкент, 1989, 11 бет.

<sup>27</sup> Маҳмуд Кошғарий. 1 жилд, 360-бет.

<sup>28</sup> Древнетюркский словарь, стр. 81.